

саловот юборгин. Аллоҳим, унга раҳм қилгин», дейдилар. Бирортангиз, модомики намозга интизор бўлар экан, намоздадир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда жамоат намозининг фазилати очиқ-ойдин зикр қилинмоқда. Жамоат намози нима учун фазилат бўлиши ҳам баён қилинмоқда.

Жамоат билан намоз ўқиган одам ёлғиз ўзи намоз ўқиган одамга қараганда йигирма беш марта кўп савобга эга бўлар экан.

Бундай бўлишининг сабаби:

1. Жамоат намози ўқиган одам яхшилаб таҳорат қилиб, масжидга чиқади. Унинг нияти соф бўлади. Масжидга борар экан, жамоат билан намоз ўқишдан бошқа мақсадни кўзламайди. Шунинг учун босган ҳар қадамида мартабаси бир даража кўтарилиб, бир гуноҳи ўчирилади.

2. Жамоат билан намозни ўқиб бўлиб, таҳоратини кетказмай, намозгоҳида турса, фаришталар унга саловот айтадилар. Бу намозни ёлғиз ўзи уйида ўқиса, бундай бўлмас эди.

3. Жамоат намозини ўқиб бўлиб, кейинги намозга интизор бўлса, худди намоз ўқиётган одамнинг савобини олади. Ёлғиз намоз ўқиган одам бундай мақомга эриша олмас эди.

Демак, намозни жамоат билан ўқишнинг ўзиёқ киши оладиган савобларнинг ўз-ўзидан кўпайиб кетишига сабаб бўлар экан.

Шунинг учун жамоат намозидан қолмаслик керак, у ҳаётимиздан муносиб ўрин олмоғи лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди